

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

6-2021

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Муассис: Фарғона давлат университети.

«FarDU. ILMİY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журнали бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайни ва оригинал макет ФарДУ таҳририят-нашриёт бўлимида тайёрланди.

Таҳрир ҳайъати

Бош муҳаррир
Масъул муҳаррир

ШЕРМУҲАММАДОВ Б.Ш.
ЗОКИРОВ И.И

ФАРМОҢОВ Ш. (Ўзбекистон)

БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)

РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)

ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК (Туркия)

ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHANZADAN NAYYAR (Япония)

LEEDONG WOOK. (Жанубий Корея)

АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)

КЛАУС ХАЙНСГЕН (Германия)

БАХОДИРХОНОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)

БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозоғистон)

КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)

ЧЕСТМИР ШТУКА (Словакия)

ТОЖИБОЕВ К. (Ўзбекистон)

Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)

ОТАЖОНОВ С. (Ўзбекистон)

ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)

РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)

ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)

ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)

ХОМИДОВ Ғ. (Ўзбекистон)

ДАДАЕВ С. (Ўзбекистон)

АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)

ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)

ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)

ТУРДАЛИЕВ А. (Ўзбекистон)

АХМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)

МЎМИНОВ С. (Ўзбекистон)

МАМАЖОНОВ А. (Ўзбекистон)

ИСКАНДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)

ШУКУРОВ Р. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВА Д. (Ўзбекистон)

ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)

КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)

САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)

ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)

ҒОҒУРОВ А. (Ўзбекистон)

АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)

ЎРИНОВ А.А. (Ўзбекистон)

ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)

ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)

ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)

УСМОНОВ Б. (Ўзбекистон)

АШИРОВ А. (Ўзбекистон)

МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)

ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)

БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)

ОРИПОВ А. (Ўзбекистон)

Муҳаррирлар: Ташматова Т.
Жўрабоева Г.
Шералиева Ж.

Таҳририят манзили:

150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй.
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60
Сайт: www.fdu.uz

Босишга рухсат этилди:

Қоғоз бичими: - 60×84 1/8

Босма табоғи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 50 нусха

Буюртма №

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

Манзил: 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19-уй.

**Фарғона,
2021.**

М.Исломова, Ҳ.Жўраев	
Қуш тимсоли ва ижтимоий-фалсафий масалалар талқини	189
О.Абобакирова, М.Жабборова	
Ўзбек болалар ҳикояларининг жанр хусусиятлари	192
Г.Касимова	
Чет тили дарсларида вербал ва новербал мулоқот	196
М.Раҳмонов	
Сўзнинг саломатликка таъсири	199
М.Амонов	
Туркий изофанинг функционал табиати хусусида	202
Г.Умаржонова	
Немис ва ўзбек тилларида “hand – қўл” компонентли соматик фразеологизмларнинг эквивалентлик ҳодисаси	206
Х.Шокирова	
Лисоний белги концепцияси	209
З.Маруфова	
“Гўзаллик” тушунчасининг лингвопоэтик талқини	212
И.Аҳмаджонов	
Шахс оти ясовчи морфемалар семантикасига доир	215
Н.Махмудова	
Ўзбек тилидаги телекоммуникация терминларининг семантик хусусиятлари	219
А.Ахтямов	
Реклама матнларининг таркибий қисмларини прагматингвистик таҳлили	222
З.Маматқулова	
Ўзбек кулолчилик терминларининг лисоний тавсифи	226
Х.Максудова	
Умумфойдаланиш учун белгиланган эмотив луғат	230
Э.Абдуллаева	
Миллатлараро мулоқот турли маданият вакилларининг ўзаро тушуниш муҳити сифатида	234
Ш.Хошимова	
Муса Жалил шеърларида “бахт” тушунчаси ва унинг талқини	238
Ф.Абдурахимова	
Сўз ясалишида ички форма	243

ТАРИХГА БИР НАЗАР

Фарғона давлат университети тарихига доир	245
<u>ФАНИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ</u>	
Қадимшунослик соҳаси билимдони	247

УДК: 413.163

**ТУРКИЙ ИЗОФАНИНГ ФУНКЦИОНАЛ ТАБИАТИ ХУСУСИДА
ОФУНКЦИОНАЛЬНОЙ ПРИРОДЕ ТЮРКСКОГО ИЗАФЕТА
ABOUT THE FUNCTIONAL NATURE OF THE TURKISH IZAFET**

Амонов Мухторжон Умарович¹

¹Амонов Мухторжон Умарович

– Фарғона давлат университети, доцент в.б., филология фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори.

Аннотация

Мақолада туркий изофанинг табиати, туркий тилларда изофа ва унинг турлари, хусусиятлари, туркологлар томонидан ўрганилганлик даражаси таҳлил қилинган.

Аннотация

В статье проанализирована природа тюркского изафета, изафет в тюркских языках и его типы, степень исследования тюркского изафета со стороны тюркологов

Annotation

This article analyzes the nature of the turkish izafet, izafet in the turkish languages and their types, the degree of research of the Turkish izafet by turkologists .

Таянчсўз ва иборалар: *туркий тиллар, изофа, туркий изофа, изофали бирикма, сўз бирикмаси, аниқловчи, аниқланмиш.*

Ключевые слова и выражения: *тюркские языки, изафет, тюркский изафет, изафетная конструкция, словосочетание, определяемый.*

Key words and expressions: *izafet, turkish izafet, izafet combinations, phrases, definition, determined.*

Араб тилшунослари Ўрта асрлардаёқ туркий тиллардаги аниқловчили конструкцияни изофали бирикма деб аташган. XX асрга келиб рус тилшунос олимлари, хусусан туркологлар икки отнинг бирикувини изофали бирикма, деб атай бошлашди. Рус туркологларининг таъкидлашларича [1], изофа – бу, аниқловчили сўз бирикмаси бўлиб, туркий тилларнинг барчаси учун хос ҳисобланади.

1935 йилда академик Марр таваллуди муносабати билан ўтказилган халқаро конференцияда рус тилшуноси, турколог олими А.К.Боровков “Природа турецкого изафета” мавзусида маъруза қилади ва туркий тилларда ҳам изофа ҳодисаси мавжуд, деб таъкидлайди. У туркий тиллардаги икки отнинг бирикувини “тюркский изафет” деб номлайди. Хусусан, олим конференцияда туркий изофанинг турлари ва табиати ҳақида маъруза қилган [2, 169-170]. XX асрнинг 40-йилларида собиқ Иттифоқнинг Туркия Республикасидаги мухтор элчиси лавозимида ишлаган рус дипломати ва тилшунос олими С.Майзель 1957 йилда турк тилидаги изофанинг турлари ва табиатини ёритиб берувчи асарини чоп эттирди.

Майзель ушбу асарида туркий изофа ҳар қандай икки исмнинг бирикувидан ҳосил

бўлмайдиган, балки изофали бирикма ҳосил қилиш учун бирикмадаги сўзларнинг ҳар иккиси от бўлиши лозим [3,11], – дейди. Олим мазкур асарида турк изофасида изофа бирикмасидаги биринчи сўз жўналиш, тушум, ўрин-пайт, чиқиш келишикларида келиши мумкинлигини кўрсатиб ўтган:

halka hitar – халққа хитоб (жўналиш келишигида);

temleketi ziyaret – мамалакатни зиёрат (тушум келишигида);

o’lumden korku – ўлимдан қўрқув (чиқиш келишигида);

iste devam-uшда саботлилик (ўрин-пайт келишигида) каби.

Шунингдек, олим турк изофасида сўз тартиби, изофанинг морфологик кўрсаткичларини батафсил таҳлил қилган ва туркий изофада аниқловчи олдин, аниқланмиш кейин келишини таъкидлаб ўтган. Туркий изофани уч турга бўлиб, биринчи турда аниқловчи ҳам, аниқланмиш ҳам морфологик кўрсаткичга эга бўлишини, иккинчи турда аниқловчи морфологик кўрсаткичсиз, аниқланмиш морфологик кўрсаткич билан келишини ва учинчи турда аниқловчи ҳам аниқланмиш ҳам морфологик кўрсаткичларсиз келишини изоҳлаб берган. Майзель изоҳловчи изоҳланмиш

муносабатини ҳам изофа бирикмаси сифатида таҳлил қилган[3,11].

Шунингдек, туркий тиллардаги изофа ҳақида рус турколог олимлари Н.З.Гаджиева, Н.К.Дмитриев, А.Н.Кононов, В.М.Насилов, Н.П.Дыренкова, А.П.Поцелуевский ҳам туркий тиллар грамматикасига бағишланган асарларида қисман тўхталиб ўтганлар.

Яна бир рус тилшуноси – Н.Гаджиева ўзининг 1973 йилда чоп этилган “Основные пути развития синтаксической структуры тюркских языков” номли китобида туркий изофани учта типга ажратиб кўрсатади.

У туркий изофанинг 1-турига *ёғоч қошиқ, темир йўл, темир эшик* бирикмаларини киритади. Туркий тиллардаги бундай бирикмаларда ҳар икки компонент от сўз туркумига мансуб, бироқ биринчи сўз ҳеч қандай грамматик воситаларсиз аниқловчи вазифасини бажаради. Шунингдек, туркий изофанинг 1-турига кўчма маънода қўлланувчи *тошюрақ, қуёнюрақ, олтин нур* каби бирикмаларни ҳам киритган. Туркий изофанинг мазкур турига аксарият туркий тилларга хос бўлган ўлчов бирлигини ифодаловчи бирикмаларни киритган: *стакан сув, отар-отар қўйлар*. Туркий изофали бирикмаларнинг иккинчи турига аниқловчиси белгисиз қўлланилган, бироқ аниқланмиш эгалик қўшимчаси олган бирикмалар киритган: *ўзбек халқи, қумуқ тили, она тили, шаҳар боғи, зангори кема капитани, подшоҳ қизи* каби. Туркий изофанинг учинчи турига аниқловчи қаратқич келишиги қўшимчасини сақлаб қолган бирикмаларни киритади: *шаҳарнинг боғи, зангори кеманинг капитани, подшоҳнинг қизи* сингари. Туркий изофанинг иккинчи турига киритган *подшоҳ қизи* бирикмаси билан учинчи турга киритилган *подшоҳнинг қизи* бирикмасидаги фарқни кўрсатиб, иккинчи турга кирувчи *подшоҳ қизи* умумийлик ва ноаниқликни ифодалашини, учинчи турга кирувчи *подшоҳнинг қизи* бирикмаси аниқликни ифодалашини, яъни аниқ бир подшоҳнинг қизи ҳақида сўз бораётганлигини таъкидлайди[1, 126].

Тадқиқотчи М.Дубровина “Об этапах формирования определительных субстантивных конструкций (изафетов) в языке древнетюркских рунических надписей (в сравнении с современным турецким языком)” номли мақоласида ҳозирги турк тилида изофали конструкциялар 3 усул

билан ҳосил қилиниши ҳақида маълумот бериб, қадимги туркий тил ҳозирги турк тилининг генетик ўтмишдошлигини таъкидлаган ва VI-IX асрларда турк-руний ёзувида битилган қадимги турк тилига оид манбаларда изофанинг ифодаланиши, тарихий тараққиётини кўрсатиб ўтган[4].

Р.Шарафутдинова ҳозирги татар тилидаги изофа бирикмаси, изофанинг турлари ҳақида маълумот бериб, изофа бирикмасининг I турига от+сифат (рус тили нуқтаи назаридан, аслида от+от) шаклидаги бирикмаларни киритган: *ағач йорт(деревянный дом)* “ёғоч уй”, *квмеш йвзек(серебряное кольцо)* “кумуш узук”. Мазкур бирикмаларда изофанинг ҳар икки компоненти бош келишиқда.

II турига киритган изофа бирикмаларида – аниқловчи от бош келишиқда, изофанинг 2-компоненти эса эгалик қўшимчасини қабул қилиб келган: *бала киеме* “бола кийими”, *урам башы* “кўчанинг боши”;

III турида – аниқловчи от қаратқич келишигида, аниқланмиш от эса эгалик қўшимчасини қабул қилиб келган: *этинец машинасы* “отанинг машинаси”, *вйнец тушэме* “уйнинг шифти”[5] каби.

Туркий тиллардаги изофа бирикмаси нафақат турк, татар, озарбайжон тилларида, балки бошқа қардош тилларда ҳам кенг миқёсда ўрганилган. Жумладан, С.Хапаева изофа бирикмасининг қорачой-болқор тилидаги, Г.Аджимамбетова қрим-татар тилидаги, В.Шаяхметов бошқирд тилидаги, А.Гапырова қирғиз тилидаги, Аянмаа Салчак ва Саида Кечил-Оол тува тилидаги, М.Гусейнова қумиқ тилидаги, А.Иванова чуваш тилидаги, Д.Токмашева, В.Томскийлар телеут ва чулим тилидаги функцияларини ўрганишган. Л. Тукмачева, А.Аксеновалар томонидан изофа бирикмасининг туркий тиллар айрим диалектларида қўлланилиши ўрганилган.

А.Кононов, В.Кондратьев, С.Малов, А.Щербак, Б.Серебренников, Н.Гаджиева, У.Асадуллаева, Э.Гаджиевлар турк-руний ёзувида битилган қадимги туркий тилга оид манбалардаги изофани ҳамда ҳозирги туркий тиллардаги изофанинг келиб чиқиш омилларини ўрганишган[6].

Ўзбек тилшунос олимлари Ғ.Абдурахмонов, Ш.Шукуровлар қадимги туркий тилда ва ундан кейинги даврга оид

ёдгорликларда изофа сўз бирикмаси турлари ва улар англлатган маънони тадқиқ этишган[7, 250-254]. Тадқиқот объекти сифатида “Култегин шаънига ёзилган ёднома”, “Девону луғотит турк”, “Қутадғу билиг”, “Ҳибатул ҳақойиқ”, “Ўрхун-енисей ёдгорликлари” каби асарлардан мисоллар келтирилган.

“Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси”да изофа бирикмаси компонентларининг шаклланишига кўра 3 хил бўлади[7], деб кўрсатиб ўтилган:

Ғ.Абдурахмонов, Ш.Шукуровларнинг таъкидлашларича, тарихий тараққиёт жараёнида изофали бирикмани ташкил этган сўзларнинг семантик ва грамматик хусусиятлари билан боғлиқ бўлган маълум ўзгаришлар содир бўлган.

Қуйидаги жадвалда Н.Гаджиева билан Ғ.Абдурахмонов, Ш.Шукуровлар томонидан изофа бирикмасини таснифлашдаги фарқлар акс этган:

Изофа турлари Тилшунослар	I	II	III
Н.Гаджиева таснифи	кўчма маънода қўлланувчи <i>тошюрак, куёнюррак, олтин нур</i> , аксарият туркий тилларга хос бўлган ўлчов бирлигини ифодаловчи бирикмаларни киритган: <i>стакан сув, отар-отар қўйлар</i> .	аниқловчиси белгисиз қўлланилган, бироқ аниқланмиш эгалик қўшимчаси олган бирикмалар киритган: <i>ўзбек халқи, қумуқ тили, она тили, шаҳар боғи, зангори кема капитани, подшоҳ қизи</i>	аниқловчи қаратқач келишиги қўшимчасини сақлаб қолган бирикмаларни киритади: <i>шаҳарнинг боғи, зангори кеманинг капитани, подшоҳнинг қизи</i>
Ғ.Абдурахмонов, Ш.Шукуровлар таснифи	Изофа бирикмасининг ҳар икки компонентида қўшимчалар мавжуд бўлади (белгили бўлади): <i>Чустнинг дўпписи</i>	Изофа бирикмасининг бирор компоненти белгисиз бўлади: <i>Чуст дўпписи, бизнинг мактаб</i>	Изофа бирикмасининг ҳар икки компоненти белгисиз бўлади: <i>Чуст дўппи</i>

Жадвалдаги мисоллардан кўринадики, Н.Гаджиева билан Ғ.Абдурахмонов, Ш.Шукуровлар таснифида II турга мансуб изофий бирикмаларда ўхшашлик бор, бироқ I, III турга кирувчи изофий бирикмалар мазмуни ва тузилишида кескин фарқлар мавжуд.

Ғ.Абдурахмоновнинг таъкидлашича, изофа бирикмасининг биринчи группаси (сўз бирикмасининг ҳар икки компоненти белгили бўлиши) қадимги туркий тилда кам қўлланади: *Култегинин алтунун, кумушин, ағышын, барымын....* – Култегиннинг олтини, кумуши, совғалари, молини[7, 251].

Изофа сўз бирикмасининг иккинчи группаси икки хил кўринишга эга бўлган: а) аниқловчи белгили бўлиб, аниқланмиш белгисиз: *мэнин эр – менинг ботирлигим*,

Қара тэмирнин борлуқ-Қора темирнинг узумзори каби.

Тарихий асарларда изофа бирикмасининг учинчи группасини ташкил этган ҳар икки компонент ҳам белгисиз бўлган (яъни аниқловчида қаратқич келишиги, аниқланмишда эгалик аффикслари бўмайди): *Кун орту-куннинг ўртаси (Девону луғотит турк), бу ики бириксэ – буларнинг иккови бирлашса (Қутадғу билиг)*. Бу каби изофий бирикмалар ҳозирги ўзбек тилида изофа бирикмаларининг биринчи ёки иккинчи группасига киради.

Ғ.Абдурахмонов аниқланмиши ёрдамчи сўзлар билан ифодаланган ҳозирги замон ўзбек тилидаги *менинг учун, сенинг*

билан каби бирикмаларни ҳам изофа бирикмаси[7], деб кўрсатиб ўтган.

Хулоса қилиб айтганда, туркий тилларда изофа ҳодисаси ёки изофа бирикмаси (айнан туркий изофа) мавжудлиги баҳс-мунозарага сабаб бўладиган

масалалардан ҳисобланади ва юқорида номлари келтирилган турколог олимларнинг ушбу масалага қарашида умумийлик билан бирга тафовутлар ҳам учрайди. Ўзбек тилшунослигида эса ушбу масала очиқ қолмоқда.

Адабиётлар:

1. Гаджиева Н. Основные пути развития синтаксической структуры тюркских языков. – М., 1973.; Дмитриев Н. Строй тюркских языков. – М., 1962; Кононов А. Грамматика современного турецкого литературного языка. – М.-Л., 1956.
2. Боровков А.К. Природа турецкого изафета // Материалы конференции Академику Н.Я.Марру. – М.-Л., 1935.
3. Майзель С. Изафет в турецком языке. –М. – Л., 1957.
4. Дубровина М. Об этапах формирования определительных субстантивных конструкций (изафетов) в языке древнетюркских рунических надписей (в сравнении с современным турецким языком.//Вестник Санкт-Петербургского университета, сер. 13 вып. 1. Санкт-Петербурга. 2015.
5. Шарафутдинова Р. Изафетные конструкции в татарском языке.//Современный мусульманский мир. электрон. журнал. № 1.Казань. 2018.
6. Кононов А. Н. Грамматика языка тюркских рунических памятников VII-IX вв., – Л.: Наука, 1980.
7. Абдурахмонов Ф., Шукуров Ш. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси. – Т.: Ўқитувчи, 1973.

(Тақризчи: Ш.Искандарова – филология фанлари доктори, профессор)